

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТИЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЪСИРИ

Ахмедова Муяссар Хадиматовна

Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика университети

Умумий психология кафедраси проф в.б., п.ф.д.

E-mail: tuyassaraxmedova1968@gmail.com

Тел: 94-659-27-81

**Резюме.** Бугунги кунда тилнинг ижтимоий, психологик, филологик хусусиятларини илмий жихатдан тадқиқ этишга эътибор юқори. Бу мақолада жамият тараққиётида ижтимоий жараёнларнинг тилдаги ўзгаришлари ҳамда уларнинг лингвистик, психологик хусусиятлари ўрганилган. Тилшуносликда жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда янги тушунча, янги сўзларнинг кўпайиб бориши ва ундаги ўзига хос ўзгаришлар инкор этилмайди. Бунда тилнинг ноадабий лексик қатлами, жаргон, арго ва сленглар ҳам ўзгариб бориши илмий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** тил, жаргон, психолингвистика, лингвистика, сленг, нутк, диалект, арго, ижтимоий, жамият, мулоқот, коммуникация, лексика.

## ВЛИЯНИЕ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА НА ЯЗЫКОВЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ

Ахмедова Муяссар Хадиматовна

Ташкентского государственного педагогического

университета имени Низами

доктор психологических наук, и.о. проф.

E-mail: tuyassaraxmedova1968@gmail.com

Тел: 94-659-27-81

**Резюме.** Сегодня основное внимание уделяется изучению социальных, психологических и филологических особенностей языка с научной точки зрения. В данной статье рассматриваются изменения в языке социальных процессов и их лингвистические и психологические особенности. В языкознании нельзя отрицать зависимости от развития общества появления нового понятия, увеличения новых слов и их специфических изменений. Также научно анализируется нелитературный лексический пласт языка, арго, сленг и жаргонизмы.

**Ключевые слова:** язык, жаргон, психолингвистика, лингвистика, жаргон, нутк, диалект, арго, иджтимоий, общество, мулетто, коммуникация, словарь.

**IMPACT OF SOCIETY DEVELOPMENT ON LANGUAGE CHANGES****Professor Department of Psychology of the Tashkent State Pedagogical****University named after Nizami,****psychol. f. d., Ahmedova Muyassar Xadimatovna****E-mail: [muyassaraxmedova1968@gmail.com](mailto:muyassaraxmedova1968@gmail.com)****Тел: 94-659-27-81**

**Pesume.** Today, the main attention is paid to the study of the social, psychological and philological features of the language from a scientific point of view. The article deals with changes in the language of social processes and their linguistic and psychological features. In linguistics, one cannot deny the emergence of new concepts, the increase in new words and their specific changes depending on the development of society. The non-literary lexical layer of the language, slang, slang and jargon are also scientifically analyzed.

**Keywords:** language, jargon, psycholinguistics, linguistics, jargon, nutq, dialect, slang, ijtimoy, society, muletto, communication, dictionary.

Тил - бу амалий, ҳақиқий онг маҳсули бўлиб, унда инсониятнинг нафақат ижтимоий, тарихий тажрибаси, балки конкрет жамият қатламининг ижтимоий мавқеи ҳам акс этади. Тил белгили табиатга ва тизимли тузилишга эга, шу боис у универсал мулоқот воситаси бўлиб қолаверади. Тил одамнинг майший турмушида, ишлаб чиқариш фаолиятида, жамиятнинг илм ва фан, мадният, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлланилади. Турли тил воситаларини танлаш ва фаоллаштириш ҳар қандай конкрет вазиятда мулоқот мақсадлари, вазифалари ва шароитларига, шу билан бирга ижтимоий муҳит, маълум ёшдаги гурӯҳ ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ бўлади.

Замонавий психолингвистика ва тилшунослик соҳаларида миллий тилнинг турли характерли ҳодисаси эканлиги ва тилнинг мавжудлиги шаклида амалга оширилиши, табиатни табақаловчи структурасини шакллантириши ижтимоий ҳодиса деб қаралади. Жуда кўп ва ижтимоий жиҳатдан ривожланган одамлар жамоасига хизмат қилувчи ҳар бир тил турли хил кўринишлар шаклида тақдим этилади: асосий – адабий тил, нутқ, умумий нутқ ва худудий диалектлар; иккинчи даражали-ижтимоий диалектлар (арго, жаргон, сленг), профессионал тиллар.

Жаҳон филология ва психология соҳаларида ҳам нутқ, тил, мулоқот ифодаси, нутқий фаолиятда яшаш омили сифатида муҳим коммуникатив ва услубий вазифаларни бажарадиган ноадабий сўзларнинг тадқиқ этишга эътибор қилинган. Шу нутқтаи назардан тилни инсоннинг мулки сифатида ўрганиш

психолингвистиканинг муҳим йўналиши сифатида ривожланиб бормоқда. Бугунги глобаллашув ва жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ўзгаришлар мазкур соҳани замонавий илмий-назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича домий равишда тадқиқотлар олиб боришига зарурат борлигидан далолат беради.

Сўнгги ўн йилликларда, ноаниқ тилга бўлган қизиқиши замонавий психолингвистика, лингвистика соҳаларида қайта тикланди ва бу, айниқса, 1970 ва 1990 йилларда жуда фаол бўлган. Замонавий тилшунослиқда олиб борилган тадқиқотларда энг кенг тарқалган нутқ, тил - оғзаки ва тиллар тизими. Жаргонлар, арголар, сленгларга бағишлиган илмий мақолалар кўплаб бўлишига қарамасдан, фанда бу мавзулар чукур тадқиқ этилмаган.

Ноадабий сўзлар, жумладан, арго, жаргон, сленглар ҳақида дастлаб инглиз тилшунослигига тадқиқотлар олиб борилган. Кейинроқ эса, рус олимлари томонидан арго, жаргон ва ёшлар сленгининг ўрганилиши кузатилган. Лекин ўзбек тилидаги бундай ноадабий сўзлар илмий жиҳатдан чукур тадқиқ этилмаган.

Жаргон (фр. jargon маълум бир гурухга оид сўз). Бирор бир ижтимоий ёки профессионал гурухга хос, фақат уларни ўзи тушунадиган ва адабий тилдан фарқ қиласиган сўз ва иборалар, деб таъриф берилади ўзбек тилининг изоҳли луғатида[8.74].

Айрим тадқиқотларда, сленг қизиқарли психолингвистик ҳодиса бўлиб, унинг мавжудлиги вақтинчалик омиллар билан боғлиқ бўлганидек, ёш чегаралари билан белгиланмаган.

Тилшуносларнинг арго, жаргон, сленгларнинг табиати ва моҳиятига нисбатан қарашлари турли хил. Тадқиқотчилар уни ижтимоий диалектлар, гурух диалектлари, профессионал тил, ижтимоий тиллар, ижтимоий услублар ёки ҳатто, ижтимоий услублар билан бир каторда турли хил атамаларни ифодалаш учун ишлатилади. Буларнинг барчаси шубҳали концепциянинг семантик ноаниқлигига таъсир қила олмайди, чунки терминнинг ноаниқлиги ва мавҳум сўзларнинг концептуал таснифида номувофиқлиги концептуал ноаниқликни сақлаб қолиш учун сабабдир. Баъзи лексикографлар бундай шароитда, одатда, сленг, жаргон, умумий тил, сўзлашув нутқидан файдаланишда, уларни: қўшимча атамалар, кенг тарқалган жаргон, шахарча умумий тиллар, жаргон тили, шахар арголари, деб таништиришни афзал кўришади.

Шу билан бирга, кўп тилшунослар арго, маҳаллий ва оғзаки нутқ сўзлари каби лингвистик қатламларни чегаралашда юзага келадиган объектив қийинчиликларга қаратишади. Лекин уларни аралаштириш сабаблари

сўзларнинг семантик мазмунини, масалан, тилнинг ижтимоий фарқлаш муракаблигига бўлгани каби, жуда кўп эмас.

Умумий жаргон лексикаси жаргон ва арголарнинг сўзлашув нутқига, кейин эса адабий тилга ўтишнинг луғавий ўтиш даври ҳисобланди. В.В.Виноградов шундай деб ёзган эди: "Халқлар ёзма адабий тилининг тартибга солувчи таъсири остида диалектлар, интердиалектлар, сўзлашув коинотларини бирлаштириш асосида миллий нутқнинг умумий нутқий ва адабий шакли шаклланган ..." [3.295].

Замонавий миллий тилнинг қуи тизими: адабий тил, худудий диалектлар, шаҳар шеваси, ижтимоий жаргонлар ҳозирги шароитларда ўзининг тили ва ижтимоий табиатини, ҳамда ўзаро муносабатларини ўзгартириши, деб таъкидлайди Л.П.Крисин [5.31]. Масалан, соф қўринишдаги диалектлар, ижтимоий корпоратив тиллардир. Улар мавжуд бўлишга асосий ижтимоий муҳитдан кўра профессионал шеваларнинг ҳар хил шаклларда кенг тарқалиши сабабдир. Улар корпоратив жаргонлардан функционал ва ижтимоий жиҳатдан фарқ қиласди. Ҳозирда ижтимоий қатламлар ва профессионал гурӯхлар ўртасидаги фарқлар бартараф этилгани кузатилади, шунинг учун нутқ меъёрини қабул қилишда ўзгаришлар бўлгани инкор қилинмайди.

Нутқнинг турли хиллигига қарамасдан олимларнинг фикрича минтақавий ва гурӯхларда фойдаланишда улар ўртасида фарқлар мавжуд. Умумий тил воситаларининг бутунлигича фаол равишда қўллаш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Шунигдек, оғзаки ҳамда адабий тилни қайта тиклаш йўналишларини белгилайди. Эҳтимол, ҳозирги пайтда кузатилган нутқ жараёни бардошли бўлмаслиги мумкин, улар узоқ вақт давомида тилга ўрнатилмайди, лекин тилни ривожлантиришнинг ушбу босқичида уларни тузатиш жуда қизиқарли ва муҳим, чунки тилни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи диққат ва ўрганишга лойикдир.

Эҳтимол, жаргонлар жараёнида кузтиладиган баъзи бир жараёнлар қисқа муддатлидир, тилда узоқ вақт қола олмайди, лекин шу ҳолатда ҳам уларни нутқ жараёнида ўзгаришини кузатиш жуда мароқли ва муҳим. Ваҳоланки тил ривожланишининг ҳар бир босқичи эътибор ва ўрганишни талаб этади. Сўнги 10 йилликда ёшлар тили фономен тилдек маданиятни эгаллашга яна ва яна катта таъсири кўрсатиб бормоқда: жаргонлар нафақат сўзлашув нутқига фаол кириб келмоқда ва яна ОАВ воситаларида ҳам кенг қўлланилиб бормоқда, замонавий адабиётнинг етакчи услубига айланмоқда. Шу муносабат билан тил ва нутқ маданиятида қатор долзарб муаммолар мавжуд бўлмоқда.

Мұхит тилга, кундалик нұтққа таъсир қиласы да бу улар савиясинаң пасайыб кетишига олиб келиши мүмкін. Бирок юқори савияли, соғ, тоза, маңнавиятли тил ҳам, үз навбатида, мұхитта унинг шаклланиши, яхшиланиши, маңнавий бойиши да үзгаришига таъсир қилиши мүмкін да зарур.

Бугунги кунда миллий тилдеги жаргонлар таркиби бошқа тилдан олинган үзлашма бирлик билан бойиб бориши инкор этилмайды. У үз вақтида тез-тез янгилари билан алмашып турады. Шунингдек, Жаргон умумхалқ тилидан маңсус лексикаси да фразеологияси ҳамда ясовчи воситаларининг үзиге хос тарзда қўлланиши билан фарқланади:

- талабалар жаргони: ёпмоқ-сессияни тутатмоқ, воздух-стипендия, яхламоқ-имтиҳондан қайтмоқ, қулоқ-чақымчи, чизмоқ-қочмоқ[8], танка-ҳимоячи, обшага-ётоқ хона, қуён-қочмоқ, ватан-фаоллар, курсовик-курс иши, матан-математик анализ, литерчи-адабиётшунослик;

- ёшлар жаргони: ғишт-хунук, синдиримоқ-лол қилмоқ, крутой-кетворган, рисовка-кўз-кўз қилмоқ, ухлатмоқ-алдамоқ, стрелка-учрашув, ташлашмоқ-тортишмоқ, бакс-доллар, музлатмоқ-ҳаракатдан тўхтатмоқ;

- ҳарбий хизматчилар жаргони: дух-янги келган аскар, саляга-бир-икки ой хизмат қилган аскар, фазан-хизматнинг ярмини үтаган аскар, дед-хизматдан қайтиши яқинлашган аскар, дискотека-ошхона наряди.

Демак, тилнинг мавжудлик шакллари - унинг таркибий тузилиши да кишилар жамаасидаги фаолиятини аниқ шакллари сифатида тушунилади. Ушбу шакллар бир-бири билан муайян, баъзан жуда мураккаб муносабатларда, турли хил үзгарувчанлик, барқарорлик да кодификация даражаларида эга. Тилнинг қўшимча тавсифи, кўплаб таниқли тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу кичик тизимлар, хусусан, ижтимоий диалектлар ҳақида маълумотни үз ичига олиши керак.

Шундай қилиб, сўнги йилларда арго, жаргон, сленг, ижтимоий мұхит да уларнинг турлари – интердиалект, социодиалект, умумий жаргон, интержаргон, арготизм да бошқа терминларнинг замонавий тадқиқотларда қўлланилганлиги кузатилади. Булардан фойдаланиш, изоҳ бериш ҳар хил ифодаланади. Баъзи атамалар да тушунчалар шу сўзлар орқали ифодалананса-да, муаллиф нуқтайи назаридан турлича талқин қилинади. Шу сабабли бу атамалар изоҳига ойдинлик киритиш, уларни психолингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ахмедова М.Х. Таълим жараёнига тааллукли жаргонларнинг психолингвистик таҳлили. Фан, таълим ва амалиёт интеграцияси. Тошкент. 2022 № 3. Б. 85-89.
2. Ахмедова М.Х. Ҳозирги замон ёшлар нутқидаги жаргонлар // ЎзМУ хабарлари 2022. 1/9.
3. Виноградов В.В. Литературный язык. Избранные труды. История русского литературного языка. – М., 1998. [50.295].
4. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., ”Талқин”, 2005.
5. Крисин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. – М.: Наука, 1989. [126.31].
6. Матюшенко Е.Е. Автореф. Дис. фил. наук, на тему: Современный молодежный сленг. – Волгоград 2007г.
7. Миртоҗиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси (Ўқув қўлланма). - Тошкент, 2000
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Электрон кутубхона. Ж харфи. 74-бет.